

ЎЗБЕК ОИЛАЛАСИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ РОЛИ

Шералиев Жамшиджон Умиджон

Ўғли ЖДПУ Тарих факультети

4-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақола фарзанд тарбияси ва унда ота-онанинг ўрни, маъсулияти ҳамда вази фавабурчларимасалаларига бағишланади. Шунингдек ушбу мақолада фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараён эканлиги таъкидланган. Шу боисдан бу кичик тадқиқот тарбиячилар, педагоглар, психологлар ва ота-оналар учун муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: оила, жамият, ота-она, бурч, тарбия, хулқ-атвор, соғлом авлод, психология, маънавий етуклик.

Халқ педагогикаси баркамол авлод тарбияси, унинг камолотига оид барча масалаларни ўзида мужассам этган. Шунга кўра баркамол шахс ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнацеварлик, аҳллик, илм ва касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат, адолатлилик, зийраклик, ташаббускорлик, эътиқод ва садоқатлилик, оқибатлилик, одоблилик каби фазилатларга эга бўлиши, шу билан бирга чуқур илм эгаллаши, вақтнинг қадрига етиши, халқ удумлари ва миллий урф-одатларини яхши билиши ва қадрлаши, диний таълимотларни тўғри тушуниши, муомала одоби ва кийиниш маданиятига риоя қилиши лозимлиги уқтирилган. Бу фазилатларинг акси бўлган нодонлик, бадхулқлилик, манманлик, кўрқоқлик, ёлғончилик, одобсизлик, инсофсизлик, сабрсизлик, бахиллик, кибру ҳаво, ҳасадгўйлик, фаросацизлик каби иллатлардан холи бўлиши талаб етилган.⁷ Ана шу ижобий фазилатлани ёшлар тарбиясига сингдириш ва иллатлардан йироқ тутиш ёки холи қилиш бўйича халқ педагогикасида қатор тарбия методлари, усул ва воситалари мавжуд. Ўғит-насиҳат қилиш, ибрат-ўртак кўрсатиш, рағбатлантириш ва қоралаш каби методларни халқимиз асрлар давомида қўллаб келган бўлиб, унинг қуйидаги ижобий шакллари:

- тушунтириш;
- ўргатиш, машқ қилдириш;
- одатлантириш;
- кун тартибини режалаштириш;
- яхши хислат ва ишларга ундаш;

⁷Азимахон Камолова ёш авлодни тарбиялашда халқ педагогикасини манбаларининг ўрганишининг ўрганишининг илмий-назарий асослари. "Science and Education" Scientific Journal / December 2022 / Volume 3 Issue 12. 590-592 бетлар

- истак билдириш;
- мақташ;
- олқиш айтиш;
- дуо қилиш;
- алқаш;
- тасалли бериш;
- мукофотлаш, тақдирлаш;

Ўзбек халқ педагогикасида болаларда ижобий фазилатларни, тарбияни шакллантириш учун биринчи навбатда оила аъзолари ота-она, ака-ука, опа-сингил ва оилада катталарга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш зарурлигига амал қилингани кўринади. Оилада болаларнинг катталарга бўлган меҳрибонлиги тарбия натижасидагина таркиб топадиган маънавий фазилат еканлиги таъкидланади. Тарбияни инсонга етказишда ота-онанинг ўрни беқиёслигини Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таъкидлайдилар. Абу Хўрайра(розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) билан туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади...”. Бу ҳадиси шарифдан ирсият, яъни биологик омил инсонни шаклланишида асосий ўрин тутди деган фикрни илгари сурувчи Ғарб файласуф ва оқимларининг фикрлари асоссиз эканини ва тарбиянинг муҳимлигини билиб оламиз. Ўрта Осиёлик мутафаккирлардан Форобий ва Абу Али ибн Сино инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига еътибор берганлар.⁸

Форобий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: Муносиб инсон бўлиш учун инсонда икки хил имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир...” дейди. Абу Али ибн Сино оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: “Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнг уни яхшилаб тарбия қилиши керак... Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса, оила бахтли бўлади” деган фикрни илгари суради⁹

Инсон яралибдики ўзининг оиласида тарбияланади. Оналар фарзанд тарбиясида ҳамиша оилада муҳим ўрин тутганлар. Фарзанд туғилгандан кейин ҳам отаси иш ёки бошқа сабаблар билан кўп вақт уйда бўлмайди, тарбияга доир зарур ўғитлар, кўрсатмалар берган ҳолда, асосий иши моддий таъминот бўлиб қолаверади. Илло, она солиҳа, илмли бўлса, фарзанди келажакда буюк инсон бўлиб етишиши учун астойдил ҳаракат қилади. Агар "нега фарзанд тарбияси ёлғиз менинг зиммамда бўлар

⁸Ниёзметова Р. XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш масалалари. – Т.: ТДПУ, 2000. – 105 б.

⁹Нишонова С. СҲарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Пед. фан. док. дисс... – Т.: 1988. – 289 б.

екан?!" дея у ҳам тарбия билан шуғилланмаса, нафақат бир боланинг балки бутун бошли миллатнинг келажакни барбод қилади. Улуғларимиз ҳаётига назар соладиган бўлсак, уларнинг оналари ҳатто отлари вафот қилганда ҳам моддий таъминотни ўз зиммаларига олишган, ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишган. Йиллар давомида чекилган заҳмат натижасида Имом Аҳмад, Имом Бухорий каби буюк инсонлар етишган. Абдурауф Фитрат "Раҳбари нажот" асарида шундай ёзган еди: "Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам шундай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Абдурауф Фитрат "Раҳбари нажот" асарида шундай ёзган еди: "Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам шундай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар."¹⁰

Онанинг тарбия маскани зарарга йўлиқса, насларда ўнганмайдиган яралар очилади, онани юқотади. Фарзанднинг илк тарбия макони онанинг кўксидир. Боланинг дунё ва оҳират ҳаётига боғлиқ билимларга она меҳру-муҳаббати билан берилиши энг гўзал тарбия шаклидир. Боланинг тарбияланишида ота-оналар ўз фарзандларига маънавий меросимиз бўлган миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, удумларнинг ўзига хослигини аста-секинлик билан тушунтириб боришга маъсулдилар. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек "Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнацевар, иймон еътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир".¹¹

Фарзанднинг тарбияланишида ота-оналар диний таълимотларга ҳам алоҳида аҳамият беришлари лозим. Диний тарбияда бола Ватанга муҳаббат билан аждодларга садоқат руҳида тарбияланади. Бола тарбиялашда буюк мутафаккир бобомиз Мирзо Улугбек шундай деганлар: "Оилада ота-оналар айниқса ўқимишли ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим". Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандининг тарбиясига кўпроқ эътибор бериши, уларга алоҳида вақт ажратиш, одоб-ахлоқдан дарс бериши, ёмонларга яқин йўлатмаслиги лозим экан. Ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида албатта ота-боболарнинг фикрларига эътиборли бўлишлари керак. Ана шунда улар ота-онаси ва эл-юртига хизмат қиладиган, уларга икки дунёда обрў олиб келадиган юзларини ёруғ ва бошларини юқори қиладиган фарзанд бўлиб улғайишади. Ота-она боланинг вақтини тўла қамраб оладиган зарур ва манфаатли машғулотларни тайёрлаши керак ва ана ўша машғулотлар боланинг онгини ривожлантиришчи бўлиши шарт.

¹⁰Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиёти ўрганиш методикаси. – Т.: Фан. 2007. – 215 б.

¹¹Нишонова С. СҲарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Пед. фан. док. дисс... – Т.: 1988. – 289 б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азимахон Камолова ёш авлодни тарбиялашда халқ педагогикасини манбаларининг ўрганишнинг ўрганишнинг илмий-назарий асослари. "Science and Education" Scientific Journal / December 2022 / Volume 3 Issue 12. 590-592 бетлар
2. Ниёзметова Р. XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш масалалари. – Т.: ТДПУ, 2000. – 105 б.
3. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиёти ўрганиш методикаси. – Т.: Фан. 2007. – 215 б.
4. Нишонова С. Сўхарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Пед. фан. док. дисс... – Т.: 1988. – 289 б.
5. Оконь В. Основы проблемного обучения. – М.: Просвещение, 1998. – С. 87-98.
6. Очил Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари: (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарларимисолида). 2 – тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. Ўқитувчи. – Т.: 1997. – 256 б.